УДК: 118.642.017

# “ПОСТФОЛЬКЛОР” ИСТИЛОҲИ ИСТЕЪМОЛГА КИРИШИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ЭСТЕТИК ОМИЛЛАРИ

**Б.М. Раҳмонов**

*Мақолада ўзбек анъанавий фольклор жанрларининг бугунги ҳолати ва уларни замонавий воқеликни бутун мураккаблиги билан акс эттиришга қодир эмаслиги, “постфольклор” истилоҳининг истеъмолга кириб келишига сабаб бўлган ижтимоий-эстетик омиллар ҳамда унинг моҳияти, ўзбек фольклорига таъсири масалалари ёритилган. Ушбу муаммолар фольклоршуносликдаги умумэътироф этилган назарий қарашларга таяниб, аниқ материаллар асосида таҳлил этилган.*

**Калит сўзлар:** *постфольклор, графит, интерлор, интернетлор, киберфольклор, нетлор, медиалор.*

*В статье описывается современное состояние жанров традиционного узбекского фольклора и их неспособность отражать современную реальность во всей ее сложности, социально-эстетические факторы, которые привели к появлению термина «постфольклор», рассматривается функционирование данного термина в узбекском фольклоре. Эти проблемы анализируются на основе конкретных материалов и основываясь на общепринятые в фольклористике теоретические положения.*

**Ключевые слова:** *постфольклор, графит, интерлор, интернетлор, киберфольклор, нетлор, медиалор.*

Фалсафага оид илмий адабиётларда кўп бор такрорланадиган таърифларга кўра, инсон тафаккури қабул қилаётган янги ахборотни ижодийлик хусусиятлари жиҳатидан конвергент (масаланинг ечими фақат битта бўлгандаги фикрлаш) ва дивергент (масала бирданига бир нечта ечимлар билан ҳал бўлишига оид фикрлаш) тарзида, шунингдек, ахборотнинг ҳақиқатан янгилиги ва ноёблигига кўра репродуктив (масалага доир кўрган, билган тушунчаларимизни айнан қандай бўлса, шундайлигича ўзгаришсиз қайтариш, тиклаш ва шу асосда фикрлаш) ҳамда креатив (оддий нарсаларга бошқача, бировларникига ўхшамаган, кўпинча образли ёндашув асосида фикрлаш) орқали мантиқ призмасидан ўтказади. Бизнинг ушбу мақолада билдирадиган илмий мулоҳазаларимиз қўйилаётган илмий муаммонинг дивергент ва креатив ечимларини топишга қаратилган. Негаки, неча минг йиллардан буён яратилиб, оғиздан оғизга ўтиш жараёнида сайқал топиб, жонли ижро этиб келинган ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарининг постфольклор давридаги ўзгаришлари жиддий равишда махсус ўрганилган эмас. Кези келганида таъкидлаб ўтиш жоизки, халқимизнинг оғзаки ижод анъаналари тарихан қоришиқ (бадиий матн + мусиқий шакл (вербал ўзига хослик) + маиший-ритуал контекст) табиатга эгалиги жиҳатидан фанлараро (филологик + санъатшунослик + этнографик) имуқуқ саналади. Яралишида турғун бўлган мазкур ассоциация шу вақтга қадар на филологлар, на санъатшунослар ва на этнографлар томонидан узвий алоқадорликда комплекс тадқиқ этилмаган. Академик Т.Мирзаев: “Халқ ижоди (фольклор) тушунчаси халқ оммасининг бадиий, ижодий-амалий ва ҳаваскорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган анъанавий моддий ва номоддий маданиятнинг халқ оғзаки бадиий ижоди (фольклор), халқ мусиқаси (мусиқа фольклори), халқ театри

(томоша санъати), халқ ўйинлари (рақс), қўғирчоқбозлик, дор ва ёғочоёқ санъати (халқ цирки), халқ тасвирий ва амалий-безак санъати, халқ архитектураси (қурилиш амалиёти) ҳамда бадиий ва техникавий ҳаваскорлик каби ижодиёт турларини ўз ичига қамраб олади" [1. Б. 14], - деб ёзган эди.

Бизга аҳамиятли жиҳати шундаки, постфольклор шиддати оғзаки сўз санъати мутахассисларига ушбу қоришиқ ҳодисанинг фақат бадиий матн унсури билангина шуғулланиш имкониятини қолдирмоқда.

Рус фольклоршуноси К.В.Чистов қадимдан яратиб келинган маданият намуналарини (шу жумладан фольклорни ҳам) ижтимоий концептуаллиги жиҳатидан қуйидаги тўрт туркумга ажратган эди: Биринчиси – социологик ўзига хослиги. Унинг таркибига кирган фольклор халқнинг кундалик маиший ҳаётидаги билим ва тажрибаларни оғзаки тарзда таъсирчан ва эсда қоладиган образлар воситасида кейинги авлодларга ташувчилик функциясини ўтаган. Бироқ бу функция муайян ижтимоий ва тарихий-маданий қолиплар доирасида чегараланган. Иккинчиси – эстетик концепция. Унда фольклор эстетик вазифадошлиги жиҳатидан тасвирий, рақс, ёзма адабиёт ва мусиқий санъатлар қаторида олиб қаралади. Учинчи – филологик концепцияда сўз санъати устуворлиги назарда тутилиб, бадиий сўзнинг сеҳрли қудрати ва кишилик жамиятига таъсири жиҳатидан фольклор XX асрда ёзма адабиётга нисбатан иккиламчи мавқе тута бошлагани эътироф этилади. Тўртинчиси – фольклор концепцияси. Оғзаки анъаналар, анъанавий жанрларнинг янги ижтимоий муҳитда яшовчанлиги масалаларини қамраб олади [2. Б. 303–307].

Мана шу ҳолатлардан келиб чиқиб эслайдиган бўлсак, ҳақиқий ижодкор ўз халқининг кўзи ва қулоғи сифатида замондан ортда эмас, олдинда юриши лозим, деган қоида бор. Абдулла Қаҳҳор яратган бу афоризм бевосита ёзма адабиётга тегишлидир. Негаки, анъанавий фольклорни яратувчилар вектори ҳаёт шитобининг тинган, жамият аъзолари томонидан муайян баҳо берилган ижтимоий ёки маиший ҳодисаларига қаратилган бўлади. Айтайлик, "Алпомиш" достонининг бобосюжети ва Алпомиш сиймосининг прототипи Култегин, Тўнюқуқ ва Ўғузхонлар даврида шаклланган бўлиши мумкин. Аммо унинг мукаммал қаҳрамонлик эпоси бўлиб, оғзаки тарқалиши жараёни қарийб тўрт асрни қамраб олди.

XX аср, айниқса, унинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-маданий ўзгаришлар анъанавий фольклорнинг жонли ижро ҳамда ижод жараёнини издан чиқариб юборди. Ёзма адабий ижод ҳукмронлик мавқеини эгаллаши натижасида халқ оғзаки ижоди шиддатли замон воқелигини бадиий акс эттиришда ортда қолди. Халқ оғзаки ижоди дурдоналарини сақлаб қолиш ва келгуси авлодларга мукаммал ҳолида етказиш масаласи, кенг маънода, анъанавий фольклор ва унинг ҳозирги аҳволи муаммосининг таркибий қисмига тааллуқли эканлигини тобора чуқурроқ англай бошладик. Мантиқан олиб қаралса, халқ яшар экан, унинг оғзаки ижоди ҳам яшайди. Бу инкор қилиб бўлмас ҳақиқат. Аммо халқнинг ўзи ҳам, у яратган ижод намуналари ҳам тарихий тушунча. Бунинг маъноси шуки, даврлар ўтиши билан халқнинг моддий аҳволи, маънавий қиёфаси ва маданий тушунчалари ўзгариб боради. Бинобарин, қачонлардир халқнинг бадиий даҳоси яратган маънавий бойлик – халқ оғзаки ижоди жанрлари янги турда яратилажак ижод намуналарига ўз ўрнини бўшатиб бериши табиий. Анъанавий фольклор эса халқ хотирасида сақланади. Аммо халқ хотираси ҳам маълум даражада замонавий чекланишларга эга. Ёзма адабиёт маънавий ҳаётимизнинг барча жабҳаларини тўла эгаллаб олган ҳозирги даврда фольклорнинг ижтимоий-маърифий вазифаси анча чекланиб қолаётгани айни ҳақиқат. Инчунун, анъанавий фольклор жанрларини ижро этувчиларнинг тобора озайиб бориши сабабли бир қанча оғзаки ижод намуналари "қоғозда қотди". Анъанавий фольклор жанрларининг изсиз унутилиб кетиши хавфи кучайгани сайин, табиийки, уларни сақлаб қолиш ва келгуси авлодларга етказиш муаммоси кўпчиликнинг диққат марказида бўлиб қолди. Бундай асарлар ижрочиларини излаб топиб, ёзиб олиш, кўплаб нусхаларда чоп эттириш ва шу

орқали халқ онгини боқий маънавий зиё билан нурлантириш XIX асрнинг сўнгги чорагида, кенгроқ миқёсда эса XX асрнинг иккинчи ўн йиллигидан бошланган. Лекин бу иш аниқ илмий-маданий дастурлар асосида эмас, балки кўпроқ фольклор ҳавасмандлари, шу жумладан, рус ориенталистларининг Туркистон ўлкаси халқлари маданиятига нисбатан бўлган қизиқишлари ва босмахона эгаларининг модий манфаатлари асосида олиб борилди. Буни англаган илм-фан ва маданият ходимлари, зиёлилар, таълим-тарбия муассасаларининг мутахассислари ва фольклоршунос олимлар ташаббуслари билан XX асрнинг 20-йилларидан буён ташкил этиб келинган фольклор-этнографик экспедициялари халқ ижодининг кўплаб нодир намуналарини ёзиб олиб, давлат архивларига топширдилар. Таниқли фольклоршунос олим М.Жўраев ёзган эдики, "хусусан, "Ўзбек билим ҳайъати" томонидан ташкил этилган экспедициялар давомида ёзиб олинган фольклор намуналари 1923 йилда "Эл адабиёти" номи билан нашр этилган. "Маориф" журналининг 1926 йил 7-8-сонларида "Ўзбек эл адабиётига маълумотларни тўплагучиларга қўлланма" чоп эттирилган" [3. Б. 12]. Шу туфайли халқимиз асрлар мобайнида яратган оғзаки ижод намуналарининг катта қисми замон талотумлари тўфонида йўқолиб кетишдан сақлаб қолинди. Ғози Олим Юнусов, Ҳ.Зариф, Б.Каримий, М.Алавия, М.Афзалов каби олимлар эса бу хайрли ишда жонбозлик кўрсатдилар [4. Б. 218–281]. Натижада халқ қўшиқлари, мақол ва топишмоқлари, эртак ва достонлари, ривоят ва афсоналари, нақл ва латифалари махсус тўпламлар ҳолида кўп минг нусхаларда чоп эттирилди. Ушбу нашрлар халқимизнинг маънавий ҳаёти ва илмий жамоатчилик фаолиятида муҳим роль ўйнаб келаётганлиги шубҳасиздир. Лекин шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, бундай тўпламлар китобхонлар ва фан учун қанчалик аҳамиятли бўлмасин, халқ ижоди жанрларининг жонли ижро ҳолатидаги жозибасини беришга ожизлик қилади. Чунки улар асарнинг матни орқали фақат ғоявий мазмунини етказишга қодир, холос. Фольклор асарлари ижросидаги мафтункор жозибани, завқ ва шукуҳни босма матнлар етказа олмайдилар. Зеро, қоғоз ва магнит тасмаларга ёзиб олинган, архивларга топширилган фольклор материаллари образли қилиб айтганда "ўлик"дир. Улар ижодкор ва ижрочилар томонидан қайта-қайта куйланмас экан, ғоявий-бадиий жиҳатдан долзарблигини йўқотишлари табиий. Зотан, нафақат классик, балки архаик фольклор намунаси бўлса ҳам жонли ижродагина янги давр кишилари учун ҳозиржавоблик қудратини кўрсата билади. Инглиз фольклоршуноси А.Лорд анъанавий жонли ижронинг биз назарда тутаётган вербал аҳамияти тўғрисида фикр юритар экан, бахшининг шогирди достончи бўлиб шаклланишининг биринчи босқичида тинглайди, формулаларни ўзлаштиради, иккинчи босқичда тақлид ва ўзлаштириш жараёнидан сўнг кўникмаларини амалда қўллашга ҳаракат қилади, учинчи босқичда аудитория қаршисига чиқади, деб ёзган эди [5. Б.33–39].

Ижтимоий-технологик тараққиёт натижасида фольклор асарларини магнит тасмалари ва пластинкалардан ташқари ҳам овоз, ҳам тасвир орқали ёзиб олиш имкониятлари мавжуд бўлган видеокассеталар, дисклар пайдо бўлди. Лекин улар барча учун, айниқса, фольклоршунослар учун етарли эмас ва оғзаки бадиий меросимизни бутун миқёси билан қамраб олиши мумкин эмасдек туюлади. Ўтган аср бошларида урфга кирган фонограф ва граммафонларнинг ўзи ҳам ўша пайтдаги достон ёки эртаклар нашрини ўқий билмайдиган саводсиз қатламнинг ақлу ҳушини банд қилган. Масалан, 30–40-йиллардан бошлаб деҳқончилик механизациялашди. У жамоа бўлиб кетмон чопувчилар, канал қазувчилар ёки ўроқ ўрувчилар ўрнини эгаллаши туфайли меҳнат қўшиқларидаги жамоавий ижодийлик ҳамда ижрочилик ўз-ўзидан чекланди. Ёхуд Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг чекка қишлоқлар ҳам электрлаштирила бошланди. Ўзбек деҳқони ва чўпонининг турмушига кино, радио ва кейинроқ телевидение кириб келишидан достончилик, айниқса, эртак ижрочилиги ва ижодкорлиги маълум даражада зарба еди. Шаҳар маданиятига хос янгиликлар қишлоқ ва яйловларда яшовчи аҳолига илгари фақат

аршин мололончилар ва бахшилар орқали етиб борган бўлса, эндиликда янги коммуникатив воситалар ғаройиб нарсаларни сўзлаб ва кўрсатиб, содда оломонни лол қолдириб, анъанавий қадрият (шу жумладан, фольклор жанрлари) сақланишини қийинлаштирди, уни чекка жойга “қочаётган эскилик”ка айлантирди. Бу борада собиқ комфирқа раҳнамоларининг миллий сарқитларга қарши кураш ташаббуси ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Аммо алал-оқибат фольклор сиёсий кўрсатмалар қолипига тушиб, бутунлай йўқолмайдиган ижтимоий онг шаклларидан бири эканлиги аён бўлди. Аксинча, ўттизинчи йилларда сиёсий буюртмалар асосида тўқилган достон ва қўшиқларнинг умри қисқалигини эса ҳаётнинг ўзи тасдиқлади. Бу ҳақида таниқли фольклоршунос Ш.Турдимов шундай ёзади: “Олимлар тўдасидан ажралган “ёлғиз” ҳамиша йўлдан адашиб, “улкан билим”дан бебаҳра қолганлигини кузатишган. Бахши шоирнинг ҳам анъанадан чекиниб, индивидул ижодга ўтса, ўзи достон-қўшиқ ижод қилса, кўпинча “адашиб” ора йўлда қолиб кетиши шундан. Бунга кўпчилик бахши-шоирларнинг шўро давридаги муаллифлик термалари ёрқин мисол бўлиб турибди. Ёки халқона йўлга тақлидан ёзилган аксарият асарларнинг шаклни олиб, қалбсиз қолиши, бадиий саёзлигининг сабаби ҳам ушбу қонуниятда изоҳ топади. Шунингдек, халқ ижодиётида анъанадан узилган авлод ва шахс ҳам халқона рамз ва образларни тушунмай қийналади” [6. Б. 9].

Албатта, бугунги фан-техника тараққиёти, маданий ривожланиш қай даражада ва шиддатда кечмасин, халқ ижодининг барҳаёт анъаналарига, фольклорнинг шаффоф чашмаларига бўлган маънавий-эстетик эҳтиёж сўнмайди. Инсон қалбида фольклорга, унинг умрбоқий ғояларига, ёрқин бадиий тароватига чанқоқлик ҳамиша сақланиб қолади. Шунга қарамай, биз истаймизми ёки йўқми, анъанавий фольклор жанрларининг жонли яшаш доираси йилдан-йилга сезиларли даражада торайиб бормоқда. Миллий фольклоримиз анъанавий жанрларининг ғоявий-бадиий табиатидаги, ижтимоий функционаллик даражасидаги барча силжишларни синчиклаб ўрганишимиз, ҳар бир жанрнинг ижод ва жонли ижродаги аҳволи ҳамда уларнинг тарихий тақдири ҳақида муайян хулосаларга, илмий тўхтамларга келишимиз шарт. Бу – фольклоршунослигимиз олдига замонамиз қўяётган, давр талаб этаётган долзарб илмий муаммо.

XX асрнинг 70-80 йилларида юзага келган постиндустриал маданий муҳит оғзаки бадиий ижод ва урф-одатларсиз яшай олмайдиган ўзбек ўқувчиси ва тингловчисига архаик ва классик фольклор анъаналарининг ўрнини боса оладиган қадриятни тақдим этиши лозим эди. Биз “архаик” дейилганида ҳали ёзув ихтиро қилинмаган даврлардаги илк оғзаки ижод намуналарини, “классик” дейилганида эса жонли ижро жараёнида руний, уйғур, араб ва 1941 йилгача амалда бўлган лотин ёзувидаги манбаларга зикр этилган фольклор асарларини назарда тутамиз. Шу тариқа секин-аста ўзбек маданиятида постфольклор даври ўз белгиларини сездира бошлади. Бизнингча, Иккинчи Жаҳон уруши ва урушдан кейинги йиллар унинг бошланғич стадияси бўлди. У пайтларда бу жараён “постфольклор” деб аталмас эди. Ушбу термин 1995 йилда таниқли рус фольклоршуноси, Россия давлат гуманитар университетининг профессори Сергей Юрьевич Неклюдов томонидан “Фольклордан сўнг” сарлавҳали мақоласида истеъмолга киритилган [7. Б. 2–4]. Икки йилдан сўнг машҳур рус фольклоршуноси В.П.Аникин “Постфольклор эмас, фольклор” номли мақоласини эълон қилиб, С.Ю.Неклюдовнинг янги терминни қўллашига нисбатан эътироз билдиради [8. Б. 224–240]. В.П.Аникиннинг эътирозига 2008 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган Л.Г.Ядрышникова ҳам қисман қўшилиб, “постфольклор” термини кўп ҳолларда фольклорий табиатга эга бўлган шаҳар маданиятининг бир қисмини ифодалаш билангина характерланади” деган фикрни билдиради [9. Б. 7].

Аммо вақт ўтгани сайин кечган тарихий-фольклорий жараён бу масалада В.П.Аникин ва Л.Г.Ядрышниковалар эмас, С.Ю.Неклюдов ҳақ эканлигини кўрсатди, “постфольклор” истилоҳи жаҳон фольклоршунослигида халқ бадиий ижодиётининг замонавий кўптармоқли

мажмуини англатувчи турғун атама сифатида кенг истеъмолга кирди. Билдираётган илмий мулоҳазамизнинг далили учун келтириб ўтишни лозим топдикки, унга, жумладан, “Википедия”да қуйидагича изоҳ берилган:

**“Постфольклор** – сўз санъатининг матн халқ оғзаки ижодиёти андозасида баён этиладиган, аммо чинакам фольклор тушунчасига тўғри келмайдиган соҳасидир. У, аввало, граффитлар, қизлар альбоми сингари ёзма тармоқ фольклори саналади” [10].

“Постфольклор” истилоҳи ўзбек халқининг ҳам оғзаки ижодиёти тақдирига бевосита алоқадор бўлганидан XXI асрдан академик Т.Мирзаев, таниқли фольклоршунослар М.Жўраев, А.Мусақулов, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқулов, С.Рўзимбоев ва бошқа олимларнинг мақола ва тадқиқотларида кенг қўлланила бошланди, диссертацион тадқиқотларда билвосита тилга олинадиган бўлди [11. Б. 123,125; 12. Б. 10; 13. Б. 44; 14. Б. 18-19; 15. Б. 76; 16. Б. 15; 17. Б. 42; 18. Б. 240; 19. Б. 33; 20. Б. 56]. Жумладан, профессор М.Жўраев постфольклорнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида юқорида келтирилган “Википедия” изоҳига мазмунан яқин назарий хулосани баён этади: “Бизнинг фикримизча, интернет тизимидаги фольклор бу анъанавий халқ ижодининг оммалашиш шаклларидан бири бўлиши мумкин, лекин уни фольклорнинг жонли ижро ҳолати билан тенглаштириб бўлмайди. Фольклор асарининг табиий яшаш тарзи ижрочи ва тингловчининг бевосита муносабатига асосланади. Интерлорда бундай ўзаро боғланиш виртуал кўринишда бўлиб, фольклор ижрочилигининг табиий шаклидан кескин фарқ қилади” [21. Б. 16–17]. Мазкур олим яна қўшимча қиладики, “Бу... (яъни постфольклорнинг медиавий кўринишлари – Б.Р.) анъанавий фольклорнинг жонли ижро ҳолатидаги яшаш тарзи эмас, балки унинг ифодаларидан бири, деб баҳоласа тўғрироқ бўлади” [21. Б. 17].

М.Жўраев ушбу масаладаги фикрини давом эттириб, қуйидагича ёзган эди: “... XXI аср жаҳон фольклоршунослигида анъанавий халқ ижодиётининг матний ва аудиовизуал элементларини қамраб олган “медиалор”, “ньюслор”, “техлор”, “фолькнет”, “нетлор”, “интернет фольклор”, “интерлор”, “е-фольклор”, “киберфольклор”, “киберлор”, “компьютерлор”, “digital folklore” (рақамли фольклор) сингари атамалар тез-тез тилга олинадиган бўлди. Интернетлор жаҳон глобал интернет тизимидаги мультимедиалашган халқ ижодиёти намунаси бўлиб, бадиий хусусиятларга эгалиги, анонимлиги (кўпчилик томонидан ифода этилиши), вариантлилиги (ўзгарувчинлиги), оммавий характерга эгалиги ҳамда мультимедиа шаклида тарқалиши билан ўзига хослик касб этади” (таъкидлар бизники –Б.Р.) [21. Б. 15].

Маълумки, фольклор – халқнинг ўзи ҳақидаги бадиий хотираси. Таниқли рус фольклоршуноси Б.Н.Путилов тўғри қайд этганидек, фольклор жанрларининг жонли яшаши ва янги намуналарининг яратилиши учун тарихий-маиший асос тақозо этилган. Қишлоқдаги қолоқ ва турғун ижтимоий-маданий ҳаёт, информатив коммуникация чекланган турмуш тарзи фольклорнинг жонли яшашини таъминлаб турган [22. Б. 16]. Бундан ташқари, фольклорнинг йирик ижодкорлари ва ижрочилари у пайтларда тирик бўлганлар. XX асрнинг иккинчи ярмида собиқ Иттифоқнинг барча маъмурий субъектлари қатори Ўзбекистонда ҳам урбанизация жараёнининг кучайиши (1959 йилга келиб шаҳар аҳолиси 51,2 фоизни, қишлоқ аҳолиси эса 48,8 фоизни ташкил этиши) қадимдан ўтроқ ёки кўчманчи бўлиб келган қишлоқ аҳолиси хотирасидаги локал ва шева унсурларига бой мумтоз тизма ва сочма асарларнинг соз жўрлигидаги овоз билан ижро этилиши анъанаси унутила боришига сабаб бўлди.

“Ҳозирги давр кишисининг эстетик диди, - деб ёзган эди таниқли фольклоршунос Б.Саримсоқов, - ёзма адабиётнинг мураккаб эстетик талаблари асосида шаклланган; у халқ эпосига хос эстетик кўлам ва диддан қониқа олмайди” [23. Б. 7]. Мана шу ижтимоий-эстетик эҳтиёж ўзининг жанр табиати ва ғоявий-бадиий йўналиши билан замондошларимизнинг маънавий талабларини қондира оладиган постфольклор феноменини келтириб чиқарди. Унинг анъанавий фольклордан ёрқин равишда ажралиб турувчи жиҳатларидан бири шундаки, аниқ замон ва макон акс этмаган мумтоз оғзаки

ижод намуналари тоғ ва даштлардаги саводсиз омма томонидан яратилиб, шаҳарга қўлёзма матн, аудио ёки видео ёзув кўринишларида етиб келган бўлса, постфольклор асарлари (масалан, латифалар), аксинча, шаҳарнинг қоқ маданий марказида яшаётган зукко зиёлилар томонидан конкрет замонавий муаммо, макон ёки реал шахсни тасвирлайдилар ва у оғиздан оғизга ўтиб, чекка қишлоқлар аҳолисига етиб боради. Бошқача қилиб айтганда, анъанавий оғзаки ижод дурдоналари сакрал, постфольклор жанрлари эса маргинал табиатга эга. Улар ўртасидаги яна бир тафовут мумтоз фольклор намуналарининг бадиий-эстетик жиҳатдан жуда юқори мақомда туриши ва полифункционаллиги (халқимизнинг диний, мифологик, этнографик, мусиқий ва бошқа тарихий атрибутларини ўзида сақлаб келаётганлиги) да кўринади. Шу боисдан Ж.Эшонқулов анъанавий фольклор жанрларининг бугунги тақдири тўғрисида қуйидаги фикрларни куюниб ёзади: “Қани эди юзлаб эртакларимиз, ўнлаб достонларимиз асосида ишланган мультфильм, кинолар, компъютер, уяли телефон ўйинлари, электрон дастурлар ишлаб чиқилса?! Халқ ўйинларидан тортиб, эпос ижросигача барча оғзаки ижро жараёнининг аудио, видео дастурларини истаган дўкондан харид қилиш имконияти бўлса?! Бу бугун бироз хом хаёлга ўхшаб туюлар, бироқ албатта, шунга келамиз. Чунки халқ бўлишнинг, буюк бўлишнинг, глобаллашувнинг шафқатсиз талотўпида ўз исми ва руҳи билан яшаб қолишнинг талаби шу. Бунинг учун бизга ҳамиша фольклор ёрдамга келади, фольклор қутқаради... Усулни ва услубни янгилаш керак, фольклордан чўпчак эмас, фикр ва ҳикмат излаш керак. Чунки у азал ва абад ҳақидаги энг буюк ҳикматдир” [24. Б. 251].

Ушбу мулоҳазани баён этишимизнинг боиси шундаки, постфольклор ҳодисасининг воқеликка бадиий ёндашув тамойиллари анъанавий фольклордан ҳам, ёзма адабиётдан ҳам фарқ қилади.

Демак, постфольклорнинг етакчи хусусиятларидан бири тезкор коммуникативлик бўлиб, компьютер-тарғибот фазосида мультимедианинг оғзаки, ёзувли, визуал ва аудиал шаклларини қоришиқ ҳолда етказишидир.

Кузатишларимиз натижаси шуни кўрсатадики, XX аср сўнгида юзага келган постфольклор ҳодисасини қуйидагича туркумлаб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

Биринчиси – ОАВ кўринишида. Постфольклорнинг Ўзбекистон газета ва журналлари, радио ва телевидениеси ҳамда театр ва кинофильмлардаги иштироки тарихини ўрганиш.

Иккинчиси – ижтимоий тармоқлардаги медиа-коммуникатив ўрганиш.

Учинчиси – анъанавий фольклор намуналарининг янгича ҳаваскорлик ижрочилиги (қўшиқчи, бахши ва жамоавий ансамблнинг вокал) кўринишида. Маълум бўладики, постфольклор бугунги ўзгарувчан медиавий ахборот оламида ўз ўрнини сақлаб қолиши ва мумтоз фольклор сингари замон шиддатининг зарбасига учрамаслиги учун технологик жиҳатдан тинмай модификациялашиб боради. Ушбу жараённинг ҳосиласи сифатида XXI асрдан бошлаб “интернетлор” деган тармоқ юзага келди.

Умуман олганда, постфольклор ҳозирги замон дунё маданиятидаги постмодернизмга кўп жиҳатдан ўхшаш келади. Чунки уларнинг иккаласи ҳам, биринчидан, яқин ўтмишдаги маданий-эстетик қолипларга айнан мутаносиб эмас. Инчунин, анъанага айланган ижтимоий ва маънавий мезонлардан ташқарига чиқиш, мумтоз фольклорий жанр ва клишеларнинг замонга мос модификацияларини жорий этиш, ифодада истиора, кесатиқ ва қочиримларнинг устуворлиги, бундай чиқишлар муаллифларини анонимлаштириш тамойиллари кўзга тобора кўпроқ ташланиб бормоқда. Иккинчидан, миллийдан кўра кўпроқ умуминсоний пафос талқинининг барқарорлашуви, шу жумладан, интертекстуаллик, тезкор замоннинг субмаданияти ва тинмай ўзгариб бораётган коммуникатив технологиялар хизматига таяниш постфольклорнинг ҳам, постмодернизмнинг ҳам қиёфасини белгилайди [25. Б. 151–153; 26. 5-8].

Расмий маълумотга кўра, 2020 йилнинг 2 январь ҳолатига Ер юзида етти миллиард саккиз юз саксон миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шулардан тўрт миллиард тўққиз юз олтмиш миллион киши Интернет глобал

тармоғидан туну кун фойдаланиб келмоқда. Таниқли ўзбек ёзувчиси Эркин Аъзамов ЎзА мухбири саволларига берган жавобларидан бирида шундай деган эди: “Камина бугунги ёшларни “телефончи авлод” деб атайман. Изоҳга ҳожат йўқдир? Тўғри-да, уларнинг дўсти ҳам, душмани ҳам, кечирасиз-у, ота-онаси ҳам шу матоҳ – қўлидаги телефонча бўлиб қолган. Бунинг нима оқибатларга олиб боришини билгич олимлардан сўрайсиз. Мен айтаманки, ҳозирги ёшлар, дейлик, бизнинг авлоддан яхши ҳам эмас, ёмон ҳам эмас. Уларнинг яхши бўлмоғини хоҳласак, биз – катталар ўзимизнинг у ёқ-бу ёғимизга қараб олмоғимиз даркор” [27].

Ҳақиқатан, ўйлаб қарасак, қўлимиздаги биргина айфон (Iphone) русумли телефоннинг ўзи бугунги кунда почта, компас, радио, магнитофон, телевизор, телетайп, калькулятор, фотоаппарат, видеокамера, ҳарф териш машинкаси, компьютер ва инсон учун зарур бўлган яна бошқа технологик воситалар хизматини ўтаб турибди. Масалан, унинг “ИМО” (“IMO”) деган операциясидан фойдаланар экансиз, беихтиёр ҳазрати Алишер Навоийнинг башоратгўй авлиё бўлганлигига иймон келтирасиз. Фарҳод билан Ширинниng Чин ва Армания ўлкалари орасидаги жуда олис масофада туриб видеомулоқотга киришиши ҳолати бундан беш юз йил аввал яна кимнинг хаёлига келиши мумкинлигини тахминлаш душвор. Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонининг композицион марказида турувчи видеокўзгу унсурини қаерда эшитган ёки қайси манбада ўқиган? Бу – биз учун илоҳий сир, албатта.

**Адабиётлар:**


1. *Мирзаев Т*. Фольклор ва унинг асосий хусусиятлари // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 1-китоб. – Тошкент: Фан,2006. – 203 б.

2. Культурология. XX век. Энциклопедия. В двух томах. Т.1. / Гл. ред. Чистов К.В. – Санкт-Петербург: Университетская книга; ООО Алетейя, 1998.– 370 с.

3. *Жўраев М.* Фольклоршунослик асослари. –Тошкент: Фан, 2009. – 1921 б.

4. *Зариф Х.* Ўзбек совет фольклористикаси тарихидан// Ўзбек совет фольклори масалалари. Тадқиқотлар. 1-китоб. – Тошкент: Фан, 1970. – Б.218–281.

5. *Лорд А.* Сказитель. – Москва: Восточная литература РАН, 1994. – 368 с.

6. *Турдимов Ш.* Халқ қўшиқларида рамз. – Тошкент: Фан, 2020. – 192 б.

7. *Неклюдов С.Ю.* После фольклора // Живая старина, 1995, – № 1. – С. 2– 4.

8. *Аникин В.П.* Не постфольклор, а фольклор (к постановке вопроса о его современных традициях) // Славянская традиционная культура и современный мир: Сборник материалов научно-практической конференции. Вып. 2. – Москва: Государственный республиканский центр русского фольклора, 1997. –С. 224–240.

9. *Ядрышникова Л.Г.* Фольклор и постфольклор в культурных практиках повседневности. Диссертация на соискание ученой степени кандидата культурологии. – Екатеринбург, 2008.– 175 с. [Интернет ресурс]. URL:https: //www.dissercat.com/content/folklor-kak-fenomen-esteticheskoi-kultury-obshchestva-aspekty-genezisa... (Мурожаат этилган сана: 21.01.2020)

10. Постфольклор. [Интернет манба]. URL: https://vk.com/@-48820421-postfolklor). (Мурожаат этилган сана: 04.02.2020)

11. *Мирзаев Т.* Эпос и сказитель. – Тошкент: Фан, 2008. – 410 с.

12. *Мирзаев Т.* Бахшилар эпик репертуарининг шаклланиши ва бойиб бориши масалалари // Китобда: XX аср узбек адабиёти масалалари. – Тошкент: Фан. – Б. 42–48.

13. *Мирзаев Т.* Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Тошкент: “SHAMS-ASA”, 2013. – 382 б.

14. *Мусақулов А.* Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010. – 308 с.

15. *Турдимов Ш.* Эпос ва этнос. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 93 б.

16. *Турдимов Ш.* Бахши шахси, анъана ва янгиланиш тажрибалари // “Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари. – Термиз, 2019. – Б.15–19.

17.*Эшонқул Ж.* Эпик тафаккур тадрижи. – Тошкент: Фан, 2006. – 120 б.

18. *Эшонқул Ж.* Миф ва бадиий тафаккур. – Тошкент: Фан, 2019. – 312 б.

19. *Эшонқулов Ж.* Ўзбек халқ қўшиқ ва унинг таснифи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2012. – № 3. – Б. 27–35.

20. *Рўзимбоев С., Рўзметов Ҳ.* Фольклор атамалари қисқача луғати. – Урганч: Университет, 2007. – 56 б.

21. *Жўраев М.* Академик Тўра Мирзаев ижоди ва XXI аср ўзбек фольклоршунослигининг тараққиёт тамойиллари / Китобда: Тафаккур томчилари. Эътиқод ва софлик овози. Академик Тўра Мирзаевнинг 85 йиллигига бағишланган илмий тўплам. – Тошкент, 2021. – Б. 16–17.

22. *Путилов Б.Н.* Фольклор и художественная самодеятельность// В кн: Фольклор и художественная самодеятельность. –Ленинград: Наука. 1968. – 20 с.

23. *Саримсоқов Б.* “Алпомиш” классик эпос намунаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1999. – №4. – Б. 3–9.

24. *Эшонқулов Ж.* Фольклор – миллатнинг боқий тарихи // Китобда: Миф ва бадиий тафаккур. – Тошкент: Фан, 2020. – Б. 251.

25. *Алексеевский М.Д.* Интернет в фольклоре или фольклор в интернете? (Современная фольклористика и виртульная реальность) // В кн.: От конгресса к конгрессу. Навстречу второму Всероссийскому конгрессу фольклористов. – Москва, 2010. – С. 151–153.

26. *Архипова А.С., Неклюдов С.Ю., Радченко Д.А.* О фольклоризации действительности через newslore // Newslore и medialore в современном мире фольклоризации действительности. – Москва, 2015. – С. 5–8.

27.*Тайпатов А.* Ҳазили ҳам шу, чини ҳам... (Ўзбекистон халқ ёзувчиси, “Тафаккур” журнали бош муҳаррири Эркин Аъзам билан суҳбат) [Интернет манба]. URL: https://uza.uz/uz/posts/hazili-ham-shu-chini-ham_191453 (Мурожаат этилган сана: 20.03.2020)

## SOCIO-AESTHETIC FACTORS THAT LED TO THE INTRODUCTION OF THE TERM “POSTFOLKLORE”

**B.R. Rahmonov[1]**

*Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies.* 2021. 5(57).86–95

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

**Keywords:** postfolklore, graphite, interlor, internetlor, cyberfolklore, netlor, medialor.

The article describes the current state of genres of traditional Uzbek folklore and their inability to reflect modern reality in all its complexity, the socio-esthetic factors that led to the introduction of the term “postfolklore” and its impact and significance on Uzbek folklore.Therefore, the article has a certain theoretical significance, as it provides a single correct solution to the problems of folklore and time.

Academician T.Mirzaev wrote“The concept of folk art (folklore) is related to the artistic, creative-practical and amateur activities of the masses of the people. ), folk games (dance), puppetry,dor and wooden arts (folk circus), folk fine and applied arts, folk architecture (construction practice) and artistic and technical hobbies.

What is important to us is that the intensity of postfolklore leaves oral art professionals the opportunity to deal with this mixed phenomenon only as an element of the artistic text.

Today's changes have disrupted the lively performance and creative process of traditional folklore. As a result of the dominance of written literary creativity, the folk oral art has lagged behind in the artistic reflection of the realities of the violent times. We have begun to understand more and more that the question of preserving the masterpieces of folklore and passing them on to future generations in a perfect state is, in a broad sense, an integral part of the problem of traditional folklore and its present state.

As a result of socio-technological progress, in addition to magnetic tapes and records, there are videocassettes, CDs, which have the ability to record both folklore and audio, but they are not enough for everyone, especially folklorists, does not seem to be and can cover our oral artistic heritage. Even the phonograph and gramophone, which became a tradition at the beginning of the last century, occupied the minds of the illiterate who could not read the epics or fairy tales of that time. For example, from the 30s and 40s, farming was mechanized.

No matter the level and intensity of today's scientific and technological progress, cultural development, the spiritual and aesthetic need for the living traditions of folk art, the transparent springs of folklore will not disappear. In the human heart there is always a thirst for folklore, for its lifelong ideas, for its brilliant artistic beauty. Nevertheless, whether we like it or not, the living space of traditional folklore genres is narrowing significantly from year to year. We must carefully study all the shifts in the ideological and artistic nature of the traditional genres of our national folklore, the level of social functionality, come to certain conclusions, scientific conclusions about the state of creativity and live performance of each genre and their historical destiny. This is one of the current scientific problems of our folklore.

**References:**

1. Mirzaev, T. (2006) *Folklor va uning asosiy xususiyatlari* / Kitobda: O'zbek folklorshunosligi masalalari. 1-kitob. [Folklore and its main features]. In: Issues of Uzbek folklore. Book 1. Tashkent: Fan.

2. Chistov, K.V. (ed.) (1998) *Kul'turologiya. XX vek. Enciklopediya.* [Culturology. XX century. Encyclopedia]. In 2 volumes.Vol.1. Sankt-Peterburg: Universitetskaya kniga; OOO Aletejya.

3. Jo'raev, M. (2009) *Folklorshunoslik asoslari* [Fundamentals of Folklore]. Tashkent: Fan.

4. Xodi Zarif. (1970) *O'zbek sovet folkloristikasi tarixidan* / Kitobda: O'zbek sovet folklori masalalari. Tadqiqotlar. 1-kitob. [From the history of Uzbek Soviet folklore]. In: Issues of Uzbek Soviet folklore. Research. Book 1. Tashkent: Fan. Pp. 218-281.

5. Lord, A. (1994) *Skazitel'* [Narrator]. Moscow: Vostochnaya literatura RAN.

6. Turdimov, Sh. (2020) *Xalq qo'shiqlarida ramz* [Symbol in folk songs]. Tashkent: Fan.

7. Neklyudov, S.Yu. (1995) Posle fol'klora [After folklore]. *Jivaya starina.* No 1. Pp. 2-4.

8. Anikin, V.P.(1997) Ne postfol'klor, a fol'klor (k postanovke voprosa o ego sovremennyh tradiciyah) [Not post-folklore, but folklore (to the formulation of the question of its modern traditions)]. In: Slavyanskaya tradicionnaya kul'tura i sovremennyj mir [Slavic traditional culture and the modern world] Sbornik materialov nauchno-prakticheskoj konferencii. Vypusk 2. [Collection of materials of the scientific-practical conference]. Release. 2. Moscow: Gosudarstvennyj respublikanskij centr russkogo fol'klora. Pp. 224-240.

9. Yadryshnikova, L.G.(2008) Fol'klor i postfol'klor v kul'turnyh praktikah povsednevnosti [Folklore and post-folklore in cultural practices of everyday life]. Dissertation for the degree of candidate of cultural studies. Екатеринбург. [Online]. URL: https: // www.dissercat.com/content/folklor-kak-fenomen-esteticheskoi-kultury-obshchestva-aspekty-genezisa... (Date of access: 21.01.2020)

10. Постфольклор [Post-folklore]. [Online]. URL: https://vk.com/@-48820421-postfolklor). (Date of access: 04.02.2020)

11. Mirzaev, T. (2008) *Epos i skazitel'* [Epic and storyteller]. Tashkent: Fan.

12. Mirzaev, T. (2012) *Baxshilar epik repertuarining shakllanishi va boyib borishi masalalari* [Issues of formation and enrichment of the epic repertoire of bakhshis]. In: XX asr o'zbek adabiyoti masalalari [Issues of Uzbek literature of the XX century]. Tashkent: Fan. Pp. 42-48.

13. Mirzaev, T. (2013) *Hodi Zarif suhbatlari* [Conversations of Hadi Zarif]. Tashkent: "SHAMS-ASA".

14.Musaqulov, A.(2010) *O'zbek xalq lirikasi* [Uzbek folk lyrics]. Tashkent: Fan.

15.Turdimov, Sh. (2012) *Epos va etnos* [Epos and ethnos]. Tashkent: Uzbekiston.

16. Turdimov Sh. (2019) *Baxshi shaxsi, an'ana va yangilanish tajribalari* [Bakhshi's personality, traditions and experiences of renewal]. In: 'Jahon sivilizatsiyasida baxshichilik san'atining o'rni' mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferentsiyasi materiallari ['The role of the art of baxshi in world civilization']. Materials of the international scientific and practical conference. Termiz. Pp. 15-19.

17.Eshonqul, J. (2006) *Epik tafakkur tadriji* [Epic thinking gradually]. Tashkent: Fan.

18. Eshonqul, J. (2019) *Mif va badiiy tafakkur* [Myth and artistic thinkin]. Tashkent: Fan.

19. Eshonqul, J. (2012*) O'zbek xalq qo'shiq va uning tasnifi masalalari* [Uzbek folk song and issues of its classification]. O'zbek tili va adabiyoti. No 3. Pp. 27-35.

20. Ro'zimboev, S., Ro'zmetov, H. (2007) *Folklor atamalari qisqacha lug'ati* [A concise dictionary of folklore terms]. Urganch: Universitet.

21. Jo'raev, M. (2021) Akademik To'ra Mirzayev ijodi va XXI asr o'zbek folklorshunosligining taraqqiyot tamoyillari [The work of Academician Tora Mirzaev and the principles of development of Uzbek folklore in the XXI century]. In: E'tiqod va soflik ovozi. Akademik To'ra Mirzayevning 85 yilligiga bag'ishlangan ilmiy to'plam [The voice of faith and purity. Scientific collection dedicated to the 85th anniversary of Academician Tora Mirzaev]. Tashkent. Pp. 16-17.

22. Putilov, B.N. (1968) *Fol'klor i hudozhestvennaya samodeyatel'nost'* [Folklore and amateur performances]. Leningrad: Nauka.

23. Sarimsoqov, B. (1999) "Alpomish" klassik epos namunasi [An example of the classic epic "Alpomish"]. O'zbek tili va adabiyoti. No 4. Pp. 3-9.

24. Eshonqulov, J. (2020) *Folklor – millatning boqiy tarixi* [Folklore - the eternal history of the nation]. In: Mif va badiiy tafakkur [Myth and artistic thinking]. Tashkent: Fan.

25. Alekseevskij, M.D. (2010) Internet v fol'klore ili fol'klor v internete? (Sovremennaya fol'kloristika i virtul'naya real'nost') [Internet in folklore or folklore in internet? (Modern folklore and virtual reality)]. In: Ot kongressa k kongressu. Navstrechu vtoromu Vserossijskomu kongressu fol'kloristov [From Congress to Congress. Towards the Second All-Russian Congress of Folklorists]. Moscow. Pp. 151-153.

25. Alekseevskij, M.D. (2010) Internet v fol'klore ili fol'klor v internete? (Sovremennaya fol'kloristika i virtul'naya real'nost') [Internet in folklore or folklore in internet? (Modern folklore and virtual reality)]. In: Ot kongressa k kongressu. Navstrechu vtoromu Vserossijskomu kongressu fol'kloristov [From Congress to Congress. Towards the Second All-Russian Congress of Folklorists]. Moscow.Pp. 151-153.

26. Arkhipova, A.S., Neklyudov, S.Yu., Radchenko, D.A. (2015) *O fol'klorizacii dejstvitel'nosti cherez newslore* [About folklorization of reality through newslore]. In: Newslore i medialore v sovremennom mire fol'klorizacii dejstvitel'nosti [Newslore and medialore in the modern world of folklorization of reality]. Moscow. Pp. 5-8.

27. Taypatov, A. Hazili ham shu, chini ham... (O'zbekiston xalq yozuvchisi, "Tafakkur" jurnali bosh muharriri Erkin A'zam bilan suhbat) [It's both a joke and a truth ... (Interview with Erkin Azam, People's Writer of Uzbekistan, Editor-in-Chief of Tafakkur Magazine)]. [Online]. URL: https://uza.uz/uz/posts/hazili-ham-shu-chini-ham_191453 (Date of access: 20.03.2020).

*Муаллиф ҳақида маълумот:*

**РАҲМОНОВ Баҳодир Мамажонович** – филология фанлари номзоди, Андижон давлат университети Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси доцент. E-mail-bahodir_rahmonov@mail.ru